

Дилдора Нишанова,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ХУСОМИДДИН АЛ-АХСИКАТИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Мовароуннахрда илм-фан юксак таъракқиётга кўтарилган бир даврда яшган Хусомуддин ал-Ахсикатий ҳанафий фикҳи машхур уламози бўлиб, ўзининг бир қанча асарлари билан усул уламолари орасида машхурдир. Алломанинг вафоти манбаларда турлича келди. Айрим манбаларда, Ахсикатийнинг вафоти 624/1227 йил¹ дея кўрсатилса, яна бошқа манбаларда 644/1247 йил² дея келтирилади.

Мовароуннахр ўлкаси Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий (в. 945й)³, Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Марвон ас-Сарахсий (в. 1047й)⁴, имом Фахрулслом Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим ал-Баздавий (в. 1089й)⁵, имом Абу ал-Муин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Макхул ан-Насафий (в.1114й)⁶ ва бошқа шу каби илм ва маърифат устунлари бўлмиш илғор олимлар, етук фақиҳлар етишиб чиққан

¹ Қориев О. Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний. Тошкент: Фан, 2009.-Б. 85-86.

² Доктор Валийиддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур. Ал-музҳаб фий усул ал-мазҳаб аъла ал-мунтахаб. Дамашқ, 1999.-Б.12

³ Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида туғилган. Абу Бакр Аҳмад Журжоний фикҳ илми бўйича устози ҳисобланади. Калом йўналишидаги олим ҳисобланса-да, усул ал-фикҳ соҳасида “Китаб ал-жадал” (“Диалектика ҳақида китоб”) ва “Китаб ма ҳази аш-шариъа” (“Шариат асослари сараси китоби”) асарларини ёзган.

⁴ “Тамҳий ал-фусул фи ал- усул” асари фикҳ илмига оид.

⁵ Самарқандда таълим олган бўлиб, Ҳанафий мазҳабининг машхур олимларидан. “Қашф ал-асрор шарҳи усули Баздавий” асари усул ал-фикҳ илмида энг машхур шарҳ асарлардан биридир. Шунингдек, икки жилдди “Мабсут”, “Ал-Жомеъ ал-кабир” ва “Ал-Жомеъ ас-сағийр”-нинг шарҳлари Имом ал-Баздавий қаламига мансуб.

⁶ Насаф (қадимги Қарши) шаҳрида туғилган. Алломанинг “Манор ал-анвор” асари усул ал-фикҳ соҳасида машхур бўлиб, 25 та шарҳ ёзилган.

юрт ҳисобланади. Шунинг учун унинг ижодига минтақанинг бир неча алломалари, жумладан, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий, Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Марвон ас-Сарахсий ва имом Абу ал-Муин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Макхул ан-Насафийларнинг таъсири катта бўлган.

Аллома мужтаҳидларнинг учинчи табақаси, яъни мазҳабдаги таржих соҳиблари тоифасига кирадиган олимлардан ҳисобланади. Унинг ушбу табақадан деб танлаб олиниши эса олимнинг улкан ақлий қувват, юксак иқтидор, илмий салоҳият ва маърифатпарвар фикрга эга эканлигини кўрсатади⁷.

⁷ Ҳанафий мазҳабидаги фақиҳларнинг олтита даражаси бор эканликларини таъкидлаш ўринли. Даражаларнинг биринчиси-мужтаҳид мутлоқ бўлиб, бунга мазҳаб асосчилари киради. Жумладан, ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа ан-Нўмон ибн Собит ал-Куфий (в.767й), асарлари: “Фикҳ ал- Акбар”, “Муснад Аби Ҳанифа” ва бошқалар; Моликийлик мазҳаби асосчиси Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас ал-Асбахи (в.795 й), асарларидан “Ал-Муватто” китоби машхур; Шофеъийлик мазҳаби асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий (в. 820й), асарлари: “Муснад”, “Ар-Рисала”, “Китаб ал-Умм” ва бошқалар; Ҳанбалийлик мазҳаби асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шайбоний (в.855 й) бўлиб, Аҳмад ибн Ханбал номи билан машхур. Асарларидан “Муснад” китоби машхур.

Даражаларнинг иккинчиси – мазҳаб мужтаҳиди, унга ҳанафий мазҳабида Имом Абу Юсуф Ёқуб ибн Иброҳим ал-Ансорий ал-Куфий (в.798 й.), Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний (в.805 й), Зуфар ибн ал-Ҳузайл ал-Анбари ат-Тамимий(в.775 й) кирадилар.

Учинчиси – муқаййид ёки масалалар мужтаҳиди, бу тоифа мазҳаб имомлари жавоб бермаган масалалар бўйича ҳукм чиқара оладиган фақиҳлардир. Бу гуруҳга Абу ал-Ҳасан Убайдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ал-Кархий (260/874-340/952), Шамсулаимма Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Ҳалвоний (ваф.447/1056), Шамсулаимма Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсий (ваф. 438/1047) лар кирадилар.

Тўртинчиси – таҳриж уламолари, бу тоифа фикҳий қоидаларни шарҳлаб, тушунарсиз ўринларига изоҳ бера оладиган даражадаги уламолар ҳисобланади. Улар ижтиҳодга қодир бўлмай, мавжуд қоидаларни шарҳлаб, тушунарсиз масалаларни тушунтириб бера оладиган даражадаги фақиҳлар. Бу даражага Фарғона фикҳ мактабининг вакили Фахруддин Қозихон (в.1196 й) киритилган.

Бешинчиси – таржих уламолари, булар ривоятлар ичида афзалини танлаб олишга қодир бўлган алломалар бўлиб, улардан энг йириклари Аҳмад ибн Муҳаммад Абу ал-Ҳусайн ал-Бағдодий ал-Қудурий (ваф.428/1037) ва Бурҳониддин ал-Марғиноний (ваф.593/1197)лардир.

Олтинчиси – тақлид уламоларидир. Бу тоифа уламолар энг кучли ва заиф далиллар ва фатволарни ажрата

Аллома Ҳусомуддин ал-Ахсикатий ҳақида Ибн Қутлубғо ўзининг “Тоҷ ат-Тароҷим” номли асарида шундай дейди: “У фозил шайх, фуруъ ва усул илмларининг имомидир”. У ҳақда бошқа олимлар ҳам ижобий фикрлар келтирганлар. Бизга Ахсикатийдан санокли асарлар етиб келган. Улар қуйидагилар:

1. Ал-Мухтасар фи усул ал-фикҳ. (“Фикҳ илми асослари ҳақидаги қисқартма”) (“ал-Мунтахаб фи усул ал-Ҳанафия” ёки “Мунтахаб ал-Ҳусомий” номи билан ҳам машҳур)

2. Мифтах ал-усул (“Фикҳ илми асослари қалити”)

3. Ғоят ат-таҳқиқ (“Изланиш чўққиси”)

4. Дақоик ал-усул ват-табйин (“Манбалардаги аниқлик ва англатиш”)⁸

Уларнинг орасида алломанинг “ал-Мунтахаб фи усул ал-Ҳанафия” асари ҳам муҳим ўринга эга. У “Мунтахаб ал-Ҳусомий” деб ҳам юритилади. Ҳусомуддин ал-Ахсикатий турли илмларни эгаллаган маърифатли инсон, усул олими, фақиҳ ва мутакаллим бўлган. Бугунги кунда аллома қаламига мансуб асарлардан иккитаси, жумладан, “Таҳқиқ ал-Ҳусомий” (“Ҳусомий далиллари”) ва “Мухтасар ал-Ҳусомий” (“Ҳусомий қисқартмалари”) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалари хазинасида асарнинг қўлёзма нусхалари №2674⁹, №4944/1¹⁰, №8396¹¹, №8857¹², 10718/1¹³ тартиб рақамлари остида сақланади.

Бундан ташқари, “Мухтасар ал-Ҳусомий” асарининг қўлёзмалари турли Ғарб ва Шарқ

мамлакатларидаги фондларда ҳам мавжуд. Алломанинг бизгача етиб келган асарлари ичида ислом ҳуқуқшунослигининг манбалари ҳақидаги фан бўлмиш усул ал-фикҳга оид “Мунтахаб ал-Ҳусомий” (Ҳусомийнинг танланганлари) (айрим ҳолатларда “Мухтасар ал-Ҳусомий” деб ҳам юритилади) номли асари жуда машҳур ҳисобланади. Ушбу асарни уламолар юқори баҳолаганлар, жумладан, имом Абд ал-Азиз ал-Бухорий (ваф.1330) бу асар ҳақида фикр билдириб, таркибининг мукамаллиги, баён услуби қулайлиги ва бутун бир усул илмини энг қисқа шаклда баён қилиб берганлиги билан шу соҳада битилган мухтасар асарлар ичида бошқалардан устун туришини таъкидлаган. Ушбу асарга бир қанча шарҳлар ёзилган. Улардан Амир Котиб ал-Итқонийнинг (ваф.1357) “Ат-Табйин” (“Англатиш”), Абдулазиз ал-Бухорийнинг “ат-Таҳқиқ” (“Очиб бериш”), имом Ҳусомиддин Ҳусайн ибн Али ибн ал-Ҳажжож ас-Сифанокийнинг (ваф.1312) “Ал-Вафий” (“Мукаммал”) ва Ҳофизиддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий (ваф.1311) томонидан ёзилган шарҳлар машҳурдир.

Ўрта Осиё Ҳанафий мазҳаби ривож топган юрт ҳисобланиб, Мовароуннахрлик олимлар фикҳга буюк хизмат қилиб келганлар. Уларнинг ёзган асарлари ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида асарлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб боровчи манбалардир. Ҳусомуддин Ахсикатий ўзининг асарларида Имом Мотуридийнинг “Усул ал-фикҳ” асарида ҳам фойдаланган. Имом Мотуридий нафақат мутакаллим, балки фақиҳ ҳамдир, алломанинг усул ал-фикҳ йўналишида иккита асарлари мавжуд бўлиб, улар “Маъахоз аш-шароиф” ва “Жадал”. Афсуски, улар бизгача етиб келмаган. Имом Мотуридийнинг ушбу асари усул ал-фикҳ йўналишидаги нодир манба сифатида ҳижрий бешинчи асргача хизмат қилиб келган.

Қуйида алломанинг “Мунтахаб ал-Ҳусомий” асарида ақл ҳақидаги ихтилоф ҳақида шундай дейилган:

Одамлар ақл ҳақида ихтилоф қилишди, у бирор шаръий ҳукмни вожиб қилувчи иллатларданми ёки йўқми, деган саволга калом уламолари қуйидагича фикр билдирганлар:

Муътазилийлар: Ақл вожиб қилувчи иллатдир, қаъий ва узил-кесил равишда ўзи яхши, деб санаган нарсаларни вожиб қилувчи, ўзи ёмон, деб билган нарсаларни ҳаром қилувчидир, дедилар.

биладиган даражадаги уламолар бўлиб, улар ҳар бир мазҳабда ва ҳамма замонларда қўпчиликни ташкил этганлар. Абд ал-Барокат ан-Насафий (в.1310 й), Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Мусулий ал-Ҳанафий, Аҳмад ибн Али ибн ас-Соатийлар шу табақага мансубдирлар.

⁸ Доктор Валийиддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур. Ал-музҳаб фий усул ал-мазҳаб аъла ал-мунтахаб. Дамашқ, 1999. 136

⁹ “Мунтахаб фи усул ал-мазҳаб”. Муаллифи: Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар Ҳусомуддин ал-Ахсикатий, варак: 312, сатр: 5, ўлчови: 19,5x12,5, хати: сулс, тили: арабий.

¹⁰ Ўша асар. Қўчирилган йили: 923 йил, варак: 49, сатр: 13, ўлчови: 17,5x14, хати: ним насх, нуқсон: аввали қусурли.

¹¹ Ўша асар. Варак: 110, сатр: 9, ўлчови: 24x15, хати: насх, тили: арабий.

¹² Ўша асар. Варак: 143, сатр: 7, ўлчови: 19,5x12,5, хати: настаълик, тили: арабий, нуқсон: охири йўқ.

¹³ Ўша асар. Варак: 76 (1а-76а), сатр: 13, ўлчови: 25x14, хати: настаълик, тили: арабий. Қўчирувчиси: Мавлоно Абд аш-шукур Муҳаммад Шариф ал-Бухорий.

Ҳолбуки, узил-кесил (батот, қатъий ҳукм) шаръий иллатдан устун туради. Муътазилалар ақл идрок қилолмайдиган ёки ақл ёмон санаган нарсаларни шаръий далил билан собит бўлиш жоиз деб билишмади. Шариат буйруқлари (хитобини) ақлнинг ўзига йўналган деб ҳисоблашади. Улар: “Ақли бор каттаю кичик (динни) талаб қилишда узрли бўлмайди. Агар унга даъват етиб бормаган бўлса ҳам иймонни тарк қилмаслиги керак”, дейишди.

Ашъарийлар: “Бир киши (шариатнинг ҳукмларини, ҳалолу ҳаром ҳақида) эшитмаган бўлса, ақлнинг асло эътибори йўқ. Ширк эътиқодида бўлган кишига даъват етиб бормаган бўлса маъзурдир”, дейишди.

Бу борада саҳиҳ гап (ушбу фикр Ҳусомиддин ал-Ахсиктийнинг мотуридийлик таълимотига асосланиб билдирилган):

Бу борада саҳиҳ гап шуки, ақл аҳлиятни собит қилиш учун эътиборлидир. Ақл-одамзотнинг баданидаги нур бўлиб, у билан йўлни ёритади, сезги аъзолари бўлган ниҳоявий илмни ақл бошданок билади, натижада, қалбга талаб қилинган нарса пайдо бўлади ва қалб ўз таъаммул (фикр) қилиб, Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан унга етади (мажбурий эмас).

Ақл зоҳир оламдаги порлаб турган қуёш каби. Агар қуёш чикса ва унинг нурлари порлаб турса, йўллар равшанлансагина кўз уни юлдузлар билан кўрувчи бўлади. Ақл билан кифоя қилмаган бирор ҳолат йўқ. Шундан келиб чиқиб бундай деймиз:

“Албатта, ёш бола ўспиринлик ёшига етгунча мукаллаф (яъни иймонга таклиф қилинган) саналмайди.

У ўспиринлик ёшида мусулмон ота-онанинг тарбияси остида бўлиши керак. Агар ўспирин кизнинг ақли бўлса ва у мусулмоннинг никоҳида бўлса, ота-онаси мусулмон бўлса-ю, лекин исломни сифатлаб айтиб бера олмаса, у киз муртад дейилмайди ва эрига ҳам бегона бўлиб, бўйнига талоқ тушди, дейилмайди. Аммо балоғатга етганда, эрига боин талоғ билан талоқ бўлади. Шунингдек, биз яна исломий даъват етиб бормаган киши мукаллаф эмасдир, ақли борлигининг ўзи унга кифоя эмасдир, деймиз. Чунки у иймонни, куфрни сифатлаб беролмаса, бирор бир нарсага эътиқод қилмаган бўлса, у одам узрли бўлади. Агар унга Аллоҳ таоло тавфиқ, ёрдам берса, тажриба билан бир илмни билса, Аллоҳ таоло унга ишларнинг оқибатларини

идрок қилишликка имкон, муҳлат берган бўлса, унга даъват етиб бормаса ҳам у маъзур бўлмайди. Бу Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг мазкур фатволарига ўхшайди. У зот: “Аҳмоқ, ақлсиз, девона одам 25 ёшига етса, унга тегишли мол ўзининг тасарруфига берилади. Чунки у тажриба муддатини тўлиқ ўтаб, имтиҳон йилларини яшаб тажриба орттирди. Энди у ўзига тўғри, зиёда йўлни топиши шартдир,”, – дейдилар. Бу бобда ақлда борасидаги масалада бирор бир чегара бўлишга яроқли қатъий далил йўқдир. Шунинг учун ҳам кимдир ақлни ҳужжат деб вожиб қилувчи ҳужжат қилди. Бу ҳужжатнинг хилофини шариат манъ қиладиган бўлса, ундай одамнинг бунга суянадиган далили йўқдир. Кимки, ақлни ҳар қандай важҳ жиҳатидан бекорчи нарса деса ҳам (ашъарийларга ўхшаб) уларнинг ҳам далили йўқдир.

Бу Имом Шофеъийнинг мазҳабидир. Шунинг учун ҳам у киши даъват етиб бормаган қавм борасида айтдилар: “Агар улар қатл қилинсалар, ўлдирувчилар зомин бўладилар. Уларнинг ҳукмлари эса авф қилинади”, деб Имом Шофеъий қарор қилганлар. Шунингдек, шариатда аҳлият бўлиши учун ақл мўътабар эмас, деган далил ҳам йўқ, уни ақл ва ижтиҳод далолати билан бекорга чиқариш мумкин, холос, демак, имом Шофеъийнинг мазҳаби ўз-ўзини инкор қилади. Албатта, ақл ҳаводан ажралмайди, шунинг учун бирор-бир ҳолатда ўз-ўзига ёлғиз ўзи бўлишига яроқли эмас. Агар шу нарса собит бўлсаки, ақл аҳлият сифатларидандир, десак, биз бу борада ҳукм қилишда ҳам иккита қисмга бўлинади, деймиз. Яъни булар аҳлият ва унга тескари қилувчи ишлардир.

Юқоридаги фикрлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 10718/1 ашё рақами остида сақланувчи “Мунтахаб ал-Ҳусомий” асарининг 56а, 56б ва 57а бетларидан иқтибос келтирилди.

Юртимизда ислом илмларига оид асарлар бир қанча тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилинаётган экан, ҳар бир тадқиқотчи хоҳ усул илмида, хоҳ калом илмида фаолият олиб борса ҳам Имом Мотуридий асарларига қайта ва қайта мурожаат қилаверади. Сабаби аллома ўз даврининг етук мутакаллим бўлиши билан бирга ислом илмларининг барча соҳаларини мукамал эгаллаган улуғ олим ҳисобланади.